

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАДАНИЯТИ

Исомиддинов Юнусжон Юсуббоевич

Самарқанд давлат чет тиллар институти (PhD), катта ўқитувчиси

Бугунги кунда Ўзбекистонда коррупцияни бартараф этишга доир янги ижтимоий механизм шаклланмоқда. Йиллар мобайнида Ўзбекистон коррупция илдиз отган давлатлар халқаро рейтингида пешқадамлардан бўлиб келган. Шу билан бирга, бу бало барча соҳалар ривожига ва бошланган ислоҳотлар самарадорлигига жиддий таъсир қилиб келмоқда. Ана шундан ижтимоий муҳитнинг моҳиятини чуқур англаб етган ҳукуматимиз томонидан коррупцияга нисбатан мамлакат миқёсида жиддий ҳаракат бошланди. Натижада, давлатимиз Президенти томонидан 2017 йил 3 январь куни “Коррупцияга қарши курашиш тӯғрисида”ги Қонуннинг имзоланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунда бу иллатга қарши курашишда барча имкониятларни бирлаштириш ва тизимли ёндашув устуворлик касб этди. Мазкур қонуннинг 4-моддасида шу соҳага оид принциплар белгиланди: “қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффоффлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги”[1.].

Мамлакатда коррупцион ҳолатларга чек қўйиш масаласи муҳим ижтимоий жараён сифатида кун тартибига қўйилди. Барча соҳаларда фуқароларнинг бу иллатни жамиятда камайтиришга оид чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар бошланди. Одамларда ҳуқуқий онгни юксалтириш, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқлари доирасида меҳнатига яраша ҳақ тўланиши ва қонун доирасида фаолият олиб бориш асосий вазифага айланмоқда. Айниқса, давлат ва жамият бошқарувида коррупцион ҳолатларга батамом чек қўйиш, давлат хизматчиларининг “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланиши бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида майдонга чиқди. Бу борада ҳукумат томонидан фармон ва қарорлар ишлаб чиқилиб, жамиятда адолат, ҳақиқат, ҳалоллик сингари тушунчаларга эътибор қаратилмоқда.

Президентнинг 02.02.2017 йилдаги Фармонига асосан 2017 - 2018 йилларда коррупциянинг олдини олиш бўйича давлатнинг алоҳида дастури тасдиқланди, бу соҳада муҳим дастурий хужжат ҳисобланади.

Ушбу дастурда коррупциянинг олдини олиш бўйича бешта йўналишдан иборат 51 та чора-тадбирларни бажариш белгиланди:

- Коррупциянинг олдини олиш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш;
- Жамиятда фуқаронинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини кучайтириш, давлат бошқарувидаги коррупцияга қарши жамоатчилик назорати ва ижтимоий муҳитни кучайтириш;
- Ижтимоий ҳаётда коррупцияга қарши кураша оладиган механизм асосида барчанинг иштирокини таъминлаш;
- Давлат ва жамият бошқарувида мавжуд коррупцион иллатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, бундай жараёнга имконият яратмаслик, уларнинг ечимиға доир чора-тадбирлар қилиш;
- Жамиятда коррупциянинг олдини олишга доир ташкилий тадбирлар, тадқиқотлар, халқаро ҳамкорлик.

Давлат бошқарувида коррупциянинг олдини олиш бу фақатгина мансабдорларнинг эмас, балки, мамалакатнинг келажаги учун дахлдор инсонларнинг бурчи ҳисобланади. Яъни, жамият ва давлат идоралари бу борада яқдил ҳаракат қиласа натижа бўлади. Бу масалада Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидланганидек, **“Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун, ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт”**[2.65].

Коррупцияга қарши курашда биз курашни пастдан эмас, юқоридан бошлишимиз мақсадга мувофиқ. Яъни, бу балога қарши курашда кичик мансабдорни қўлга тушириб юқори лавозимдаги мансабдорларни коррупциялашганлигига кўз юмишимиз 25 йил мобайнида коррупцияни илдиз отишига сабаб бўлди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчи эдим. Мисолни олий таълим тизимидан келтирсак. Масалан, ўтган йиллар мобайнида олий таълимда кириш жараёнидаги ноқонуний жараёнга иштироки учун юзлаб ўқитувчи, талаба жавобгарликка тортилди. Аммо ректор ёки вазир ўринbosари, вазирни бу билан алоқадорлиги билан боғлиқ жиноий ишлар қарийиб очилмаган. Аслида қайси бирини ижтимоий хавфлилиги юқори.

Яъни, Сингапур раҳбари Ли Куан Ю. таъкидлаганидек, давлат қачон коррупцияга қарши самарали кураша олади. Қачонки, вазирлар ва юқори лавозимдагиларни сотиб олиб бўлмаса[3.37].

Шундай қилиб, тадқиқот давомида мамлакатимиизда коррупция ва у билан боғлиқ ҳолатлар бугунги кундаги асосий муаммога айланаб бораётганлигини тасдиқламоқда.

Бундай ҳолатнинг сабабларидан бири сифатида жамиятда демократик сиёсий қадриятларни илдиз отмаганлиги, ижтимоий ва сиёсий қулайликларнинг паст даражаси ҳисобланади. Номигагина бўлган демократия эса ўз-ўзидан коррупция ва порахўрликни ривожлантиради, бу эса ўз навбатида халқни ҳокимиятга бўлган ишончини сусайтиради. Бундай шароитда давлат ана шу институционал ўзгаришларнинг ташаббускори бўлса жамоатчилик ташкилотлари унинг фаол ижрочиси бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бошқарувни демократлаштириш, ҳар бир давлат хизматчисининг ишида адолатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Экспертлар давлат бошқарувидағи юқори даражадаги шаффоффлик коррупциянинг олдини олишнинг асосидир, деган фикрни доимий равишда қайд этадилар. Дарҳақиқат, расмий маълумотларнинг оммавий ахборотдан устунлиги, расмий ва жамоат ахбороти билан ишлаш борасидаги камчиликлар, давлат идораларида бўлаётган йиғилишларда жамоатчиликнинг қатнашишига йўл қўйилмаслик, улардаги мавжуд маълумотларни олишга бўлган бюрократик тўсиқлар натижасида шаффоффлик йўқолиб боради ҳамда бу коррупцияни илдиз отишига замин яратмоқда.

БМТнинг тавсиясига ҳамда Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг тегишли моддаларига биноан ҳар бир давлатда коррупцияга қарши сиёсатни амалга оширувчи олдини олишга доир механизмларни яратадиган тегишли орган бўлиши таклиф этилади. Ана шуларни инобатга олиб бизда ҳам алоҳида Агентлик шакллантирилди ва бу ташкилот фаолиятини бошлади. Назаримизда, бу ташкилот масалага илмий ёндашиб узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни эксперталар ёрдамида экспертиздан ўтказиши самарали ҳисобланади. Бу борада агентлик давлат ва нодавлат ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиши муҳим. Шу билан бирга давлатимиизда келажакдаги коррупция ва уни олдини олиш билан боғлиқ аналитик марказ шакллантириш мақсадга мувофиқ. . Бу марказнинг асосий вазифаси давлат механизмида коррупцияга қарши олиб бориллаётган ишларнинг амалий натижаларини, шу жумладан, давр

ўзгариши билан ушбу соҳалардаги ижобий натижаларни ҳар томонлама, мониторинг қилиши мақсадга мувофиқдир. Худди шундай иш жараёни жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилиб, ишнинг натижалари юзасидан ўз қарашларини билдириб бориши муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат ва жамият бошқарувида “коррупциясиз соҳа” умумий объект сифатида инсон ва унинг манфаатлари ўртага қўйилди. Инсоннинг онгли мавжудот сифатида ақлли, идрокли хатти-ҳаракатлари, ахлоқий идеаллари, юриш-туришлари, турмуш тарзи, муомаласи, одоби, урфодатлари коррупцияга қарши курашиш мезони миллий менталитетда ўз ифодасини топди. Бундай мафкуравий-маънавий жараён, ўз навбатида, ҳар бир ёш авлодни миллатига, ирқига, наслу насабига, динига, эътиқодига қарамасдан шахс сифатида шаклланишида адолатли тузумнинг бош мезони ҳисобланади. Чунки адолатли фаровон ижтимоий ҳаёт фақатгина бир миллат ёки мамлакат учун мансуб бўлмасдан, балки башарият орзу қилган маънавий эҳтиёждир. Ана шундай ўз шахсини миллат тақдири билан, миллат тақдирини умумбашарият тақдири билан боғлашга даъват этиш ва шундай ёшларни тарбиялаб, вояга етказиш коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий вазифасидир. Бу борада давлатимиз раҳбари сўз юритар эканлар Қайдагиларни алоҳида такидлайдилар: «Авваламбор, «оммавий маданият» кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан, коррупцион ҳолатлардан ёшларимизни асраримиз, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бундай фаолиятда биз миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз»[4.89] Шу боис, янги миллий мафкура шаклланган ва барқарор бўлган мамлакатда ёшларнинг янгича очиқлик ва шаффофликка асосланган маданияти, умуминсоний интеллектуал қадрияларга мос муносабати шаклланади ва ривожланади. Бу жараён турли коррупцион механизмларсиз инсонпарвар, адолатли жамият қуришнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқадиган объектив заруриятдир.

Жамият олдида турган энг асосий вазифа фуқароларимизни кўз қорачиғидай асрар, унинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш экан, барчамиз бирдек салбий иллатларга қарши курашишимиз, коррупциясиз тадбиркорлигимизни ривожлантиришимиз керак. Айни пайтдаъ ишбилармонлар деганимизда “ён-атрофимиздаги айрим давлатлардаги каби турли нопок, коррупция йўллари билан беҳисоб мол-дунё орттирган

ўта бойларни эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, ақл-заковати, куч-ғайрати билан даромад топаётган миллион-миллион тадбиркор ва ишбилиармонларимизни тасаввур қиласиз”[5.267].

Давлат ҳокимиияти ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик йўналишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жамоатчилик назоратини кучайтириб, ҳокимиятнинг барча бўғини ҳалққа ўз фаолияти тўғрисида, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар механизmlари, бюджет маблағларининг сарф-харажатлари хусусида маълумот беришни жуда истамайдилар. Бошқа томондан ҳокимият тизимининг бундай фаолиятини фуқаролар ҳамда нотижорат жамоат ташкилотлари томонидан назорат қила олиш малакаси ва ҳуқуқий онги етарли эмас. Шу сабаб, мансабдар шахсларни фуқаролик жамияти институлари билан ҳамкорлик қилиш (маълумот бериш, барча турдаги комиссиялар мажлисларирига қабул қилиш)дан бош тортиш ҳолати кўпинча шу сабаблар кўрсатилишига асос бўлади.

Адабиётлар руйхати

1. “Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. <https://lex.uz/docs/3088008>
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ ҳалқнинг иш ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: 3-жилд, 2019. 65-бет.
3. Ли Куан Из третьего мира –в первый. История Сингапура. “Манн” 2000 – С.37.
4. Мирзиёев Ш.. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1-жилд, 2017. – Б. 89.
5. Каримов И.А. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон, 23-жилд, 2015. 267-268-бетлар.